
Бешариқда МИБ карантинда ўтирган мұхтож оиласарга ёрдам күрсатди!

Мамлакатимизда коронавирус эпидемияси туфайли эълон қилинган карантин, айниңса кам таъминланған ва әхтиёжманда оиласарга жиғдий синов бўлди.

Бироқ, халқимиз орасида саҳоватпеша кишилар кўплиги боис кам таъминланған ва мұхтож оиласар эътибордан четда қолаётгани йўқ. Шундай ҳайрли тадбирлар Мажбурий ижро бюроси



Хусусан, бўлим томонидан карантинли кунларда 46 та муҳтож оилаларга бевосита ташриф буюрилиб, 34 нафар оиланинг электр энергияси, табиий газ ва майший чиқинди бўйича ҳисобланган 7,5 млн. сўмлик қарздорлиги ҳомийлик асосида тўлаб берилган бўлса, 12 нафар эҳтиёжманд оилаларга 2,1 млн. сўмлик бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган. Масалан, ўнлаб хонадонлар қаторида туманнинг Янгиқишлоқ қишлоғида яшовчи Ботирова Жамиланинг борига қаноат қилиб яшаётган аслида эҳтиёжманд бўлганлиги сабабли Бюро ходимлари томонидан ун, гўшт, шакар, ёғ ва бошқа зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ташриф буюрганликлари кутилмаган ҳол бўлган бўлди.



Қорақўйли қишлоғида яшовчи кекса отахон Тошматов Абдуумуталнинг уйига бўлим давлат инспектори ташриф буюрганида эса электр энергиясидан бўлган 300,0 минг сўм қарзини пенсия пулидан тўламоқчи бўлганида, унга пенсия пули озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишини тушунириб қайтариб берилган, қарзи эса ҳомийлик асосида тўлаб берилган.

Муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларнинг дуоси сабаб синовли кунлар тезроқ мамлакатимизни тарк этишига хизмат қилса ажаб эмас.

Бюро Фарғона вилоят бошқармаси.